

ОИЛА ВА НИКОҲНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ҲАМДА ТАРИХШУНОСЛИК БИЛАН АЛОКАДОРЛИГИ

Бекчанова Нилуфар Ахмеджановна

Урганч давлат Университети

Тарих кафедраси мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада оила ва никоҳ тушунчасининг манбашунослигига ҳамда тарихшуносликка боғлиқлик томони. Атрофлича таҳлил қилинган ва умумлаштирилган.

Калит сўзлар: Оила, ота-онанинг ўрни, Ўзбекистон, давлат ва жамият муносабат омиллари, тотувлик, фарзанд, никоҳ, тарихий, мерос.

Аннотация: В этой статье рассматривается аспект зависимости концепции семьи и брака от источниковедения, а также историографии. Подробный анализ был проведен и обобщен.

Ключевые слова: семья, место (роль лучше) родителей, Узбекистан, государство и общество, факторы, согласие, ребенок, брак, историческое наследие.

Annotation: The aspect of attachment to historiography in ham to the source of the concept of family and nicochus in this Macola. The circumferential taxile is kilingan and generalized.

Key worlds: Family, place of parents, Uzbekiston, state and society, factors, agreement, child, marriage, historical heritage.

1. Кириш

XXI аср тарих саҳифасига нафақат фан-техника тараққиёти асри, балки турли-туман локал маданиятларнинг унутилиши, турли миллий-этник низолар асри бўлиб ҳам кириб келди. Шу боис ҳам замонавий этнология фани олдида тарихий ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларда оила, никоҳ, шахс ва жамоа муносабатлари, замонавий цивилизация жамиятда миллий маданиятларнинг ўрни ҳамда аҳамияти, уларни сақланиб қолиш омиллари, этномиллий қадриятлар ва анъаналарнинг пайдо бўлиши билан бирга оила-никоҳ муносабатларининг ривожланиши ҳамда замонавий глобализацион жараёнлар таъсирида трансформациялашув жараёнларини илмий асосда ўрганишга жиддий эътибор

қаратилмоқда. Оила-никоҳ масалаларини ўрганиш бир томондан осондек туюлса-да, иккинчи томондан, ўта мураккаб ва нозик масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳолат оила-никоҳ бўйича ўтказиладиган тадқиқотларнинг ўзига хос методологик жиҳатларини ўрганишни ҳам тақозо этади. Аввало, бу ўринда оила ва никоҳ тушунчаларининг мазмуни ҳамда моҳиятига илмий таъриф бериб ўтишни жоиз деб билдик. Шарқда оила азалдан инсоннинг муқаддас кўрғони сифатида қадрланган. Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний кадрларни синдириш орқали бошланғич ижтимоий йўналишни берадиган жамоадир¹. Маълумки, оила жамиятда асосий бўғин бўлиши билан бирга, ҳар бир даврда эъзозланиб, асраб-авайланган. Қолаверса, у мамлакат тотувлиги ва фаровонлигига хизмат қилган. Шунинг учун тарихда мустақкам оила тушунчаси инсон тафаккурининг эътибор марказида бўлганлиги боис унга эришишнинг турли йўллари изланган². Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида оилалар бугунги кўринишдагилардан анча фарқ қилиб, тартибсиз алоқаларга асосланган. Аста-секинлик билан кишилар ижтимоий онгининг ўсиши жамиятнинг тараққий этиши, ижтимоий муносабатларни янги босқичга кўтарилиши ҳамда дастлабки ижтимоий бирликларнинг шаклланишига олиб келган. Хусусан, оила – жамиятнинг кичик бўлаги сифатида ёвузлик ва бузғунчиликлардан ҳоли, тинч ҳамда обод бўладиган бўғин ҳисобланади. Оиладаги хотиржамлик ва фаровонлиликни таъминлаш эса унинг аъзоларининг ўз масъулиятини англаши билан барқарор бўлади. Эски фалсафий луғатларда “Оила – бу жамиятнинг асосий бўғини, бўлаги, бўлинмаси (кичик ижтимоий гуруҳ), эр-хотинлик ҳамда ота-оналик муносабатларини тиклаш орқали шахсий турмуш тарзини ташкил этишнинг муайян кўриниши, яъни, бир ерда умумий ҳўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-оналар ва фарзандлар, ака-укалар ва опа-сингиллар ҳамда бошқа қариндошларнинг биргаликда яшашини ифодаловчи муҳим бўғин”, - деб таъриф берилган³. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур таърифни қайсидир ўринларда асосли деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, бугунги кунда оила-никоҳ ҳамда унда кечадиган жараёнлар ва муносабатларнинг мазмун-моҳияти қатор ўзгаришларга учраган ва учрамоқда. Бу каби таърифлардан оиланинг тўртта муҳим тавсифи келиб чиқишини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин:

оила – жамиятнинг бўғини (кичик ижтимоий гуруҳ);

оила – шахсий яшаш тарзини ташкил этиш шакли;

¹ Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи – Б. 7.

² Олимаев ул-Банот. Муошарат одоби. – Тошкент: Меҳнат, 1991. –Б 13

³ .Тошмухамедова Д. Оила давлат ва жамият ҳимоясида // <https://xs.uz/uzkr/post/oila-zhamiyat-va-davlat-himoyasida>. Кўрилган сана: 13.08.2020.

оила – эр-хотинларнинг бирлашуви;

оила – эр-хотинларнинг бошқа яқин қариндош: ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, момолар ва боболар, фарзандлар ва уларнинг фарзандлари билан кўпқиррали муносабатлар ўрнатиш имконияти.

2.Натижа ва Муҳокама

Демак, ушбу тавсифлардан кўриниб турибдики, оила жамиятдаги асосий бўғин сифатида бир бутунликни талаб қилади. Шунингдек, оиланинг ташкил топиши ва турли жараёнларда ривожланиши ўзаро муносабатларнинг шаклланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, оила – бу никоҳ ёки қон-қариндошлик муносабатларига асосланган кишилар ижтимоий ҳамкорлигининг дастлабки кўринишларидан биридир. Оила синф, миллат ва давлатлардан анча олдин пайдо бўлган энг қадимги ижтимоий институтлардан бири ҳамдир. Қолаверса, оила мураккаб ижтимоий воқеиликни ифодалаб, ижтимоий муносабатлар, жараёнларнинг турли хил шакллари ўзида мужассамлаштиради ва унда турли-туман инсоний ҳамда ижтимоий эҳтиёжлар қондирилади. Оила – жамиятнинг бир бўлаги (бошланғич гуруҳи), эр-хотин ва қариндошчилик алоқалари иттифоқи асосида тузилган шахсий ҳаётнинг муҳим шаклидир. Буюк юнон файласуфи Арастунинг фикрича, оила одамларнинг биринчи мулоқот кўриниши, яъни дастлабки бўғини (ячейка) бўлиб, ундан давлат ташкил топган. Бу ўринда Арасту бир нечта оилаларнинг бирлашувини “қишлоқ” деб атаб, уни оиладан давлатга ўтадиган шакл сифатида ҳам баҳолаган¹. Шу сабабли, кўп тадқиқотчилар томонидан “Оила ва никоҳ муносабатлари” масаласи мураккаб ҳамда кенг қамровли ижтимоий ҳодиса сифатида баҳоланиб, уни ўрганиш, мазмун-моҳияти ҳақида муносабат билдириш катта тажриба ва масъулиятни талаб қилади. Бу тўғрисида америкалик социолог У.Гуд “Оилани объектив тадқиқ қилмоқ учун у тўғрисида ҳаддан ташқари кўп биламиз” – деб таъкидлаган эди². Бундан ташқари, оиланинг ташкил топиши ва ривожланиши қатор ижтимоий, иқтисодий ва демографик омиллар билан боғлиқ. Буларнинг ичида оиланинг ташкил бўлиши ва унинг мунтазамлигига демографик омиллар – никоҳга кириш, фарзанд туғилиши ва ажралиш бевосита таъсир этади. Оила ташкил бўлиши ва унинг миқдорий ўзгариб бориши биринчи навбатда жамиятнинг демографик ҳолатига боғлиқ. Демографик ҳолат эса аҳолининг ёш ва жинсий таркиби, никоҳга кириши ва никоҳнинг бекор этилиши

¹ Тошмухамедова Д. Кўрсатилган асар

² У.Гуд Социология семьи: Социология сегодня. – Москва, 1966. URL: Режим доступа: <https://yandex.ru/search/text> (Мурожаат вақти: 14.03.2017.).

(ажралиш), туғилиш, ўлим ва миграция каби жараёнларда ҳам ифодаланади¹. Ҳар қандай мамлакат тараққиёти ўша юртдаги оилалар мустақамлиги, уларнинг барқарорлиги ва манфаатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Никоҳ эса оиланинг вужудга келишининг бирдан-бир асоси ва омили бўлиб хизмат қилади. Никоҳ муносабатлари қанчали соф, эркин, ихтиёрий ва давлат томонидан қўйилган талабларга мос равишда тузилган бўлса, оиланинг мавқеи, обрўи ҳамда унда вояга етаётган фарзандлар ҳам комил инсон бўлиб етишадилар. XX аср Туркистон жадидчилигининг улкан намояндалари – маърифатпарварлар одоб ахлоқи гўзал, жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялашнинг ягона йўли – барқарор оила қуриш эканини, оилани мустақамламасдан давлат ва жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтишган. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш, жамиятнинг фаровон тараққий этишида шубҳасиз, оилани ўрни ва таъсири каттадир. Айниқса, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ҳамда тасаввурлари биринчи навбатда оила бағрида шаклланади². Бизнингча ҳам оила – инсоннинг бахту-саодати, орзу-ҳаваслари, мақсад-муддаоларини муштарак қилган, ўзини идрок эта оладиган ва ҳаёт нашидасини сурадиган муқаддас макондир. Эзгуликка, сабр-қаноатга ўргатадиган удумлар кишиларга хуш кайфият-қувонч бахш этади. Бир сўз билани ифодалаганда, оила ўз моҳиятига кўра, халқни осойишталик, барқарорлик ва тинчликка ундайди. Бу эса ҳар бир оилада ўтказиладиган урф-одат ва маросимларда шаклланиб боради. Масалан, тўй кишилик ҳаётидаги энг қувончли ва ардокли кун ҳисобланади. Шунинг учун оналаримиз, момоларимиз “тўйларга етказсин”, “тўйларда учрашайлик”, “кўрганимиз тўй, еганимиз қўй бўлсин”, -дея дуо қиладилар³. Шунинг учун ҳам кексалар доим: «Ҳар кимни тўйга етказсин, орзу-ҳавас кўрсин», дейишади. Оила қуришнинг ҳар бир инсон учун қанчалик даражада муҳимлиги барчага маълум. Лекин оила қуриш учун никоҳдан ўтиш зарур ёки йўқлиги, шунингдек, оила билан никоҳ тушунчалари ўртасида фарқнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига борасида тўхталиб ўтишни жоиз топдик. “Никоҳ” сўзининг ўзбек тилида икки хил луғавий маъноси бор. “Никоҳ арабча сўздан олинган бўлиб, уйланиш, эр-хотиннинг қовушиши яъни, эр-хотинни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими, имом-домла томонидан ўқитиладиган шартнома ва “оилавий иттифоқ” деган маънони

¹ Абдурахманов Ҳ. Оиланинг демографик ривожланиш тенденцияларини баҳолаш// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – №6, 2018. – Б.2.; Яна батафсил қаранг: Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. Монография. – Т.: Университет, 1997. – 158 б.; Мамадалиева Ҳ. Ўзбекистонда оиланинг ижтимоий-демографик ривожланиши. Монография. – Т.: Global Books, 2017. – 148 б.; Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2010. – 276 б.

² Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 52.

³ Зарипова Р. Онагинам. – Тошкент, 2003. – Б. 24.

билдиради¹. Яъни, никоҳ – икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқдир ёки эркак ва аёл турмуш қуришининг исломга хос диний шаклидир².

3. Хулоса

Маълумки, шариат оилавий муносабатларни тартибга солади ва никоҳга биринчи навбатда, икки томоннинг мажбурияти ҳамда ҳуқуқларига асосланган шартнома сифатида қарайди. Ҳозирги вақтда никоҳ икки хил – дунёвий ва диний мазмунга эга.³ Дунёвий маъносига кўра, никоҳ – эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқи, эр-хотинлик. Бошқача ифодалаганда, турмуш қураётган эркак ва аёлнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида (ФХДЁ) рўйхатдан ўтишини англатадиган фуқаровий никоҳидир. Никоҳ – эркак билан аёлнинг тарихан таркиб топган, жамият томонидан муайян тартибга солинган ўзаро ҳамда болаларига нисбатан муносабатлари шаклидир. Никоҳнинг моҳияти аҳолининг ўсиб бориши, ёш авлоднинг жисмоний ва руҳий ҳолатига ҳам таъсир этади. Никоҳ ижтимоий (социал) шароит ва маданият таъсирида ўзгарган кишиларнинг насл қолдиришга бўлган табиий талабини маълум тартибда қондириш ҳам тушунилади. Демак, оила билан никоҳ ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, никоҳ умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган урф-одат бўлиб, ибтидоий жамиятнинг сўнгги даврида вужудга келган ва кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросим шаклини олган⁴. Оила – эр-хотин, уларнинг болалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон ҳисобланади.⁵ Унинг бошқа маънолари бир-бирига яқин бўлиб, умумий маънода бирлашган кишилар, халқ, мамлакатлар ёки ўсимлик, ҳайвонлар ва қардош тиллар гуруҳини қайд этиш мумкин. Бундан ташқари, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “оила” сўзлашув тилида “рафиқа”, “хотин” маъноларини ҳам англатади.⁶ Ҳозирги кунда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг янада ошиб бориши анъанавий жамиятдан замонавий (модерн)лашган жамиятга ўтиш жараёни давомида янада долзарб аҳамият касб этади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж.И.Н. Никоҳ.// Т.Мирзаев таҳрири остида. –Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.38(688 б).; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Т. I. – М.: Рус тили, 1981. – Б. 502.

² Никоҳ тушунчаси бўйича батафсил қаранг: https://api.scienceweb.uz/storage/publication_files/763/.; Ўзбекистон энциклопедияси. 12 томлик . Т. III. – Тошкент, 2002. – Б. 580.

³ Расулова З. Ўзбекларда оила ва никоҳ муносабатлари. Никоҳдан ўтиш қанчалик муҳим?// vugun.uz/2021/05/16/15/

⁴ Тошева Т. С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари... – Б. 24.

⁵ Оила / Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 97.

⁶ Расулова З. А. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. – Тошкент, 2013. – Б. 47–48.

Зеро, жамиятнинг замонавийлашув жараёни дастлаб ривожланган ғарб давлатлари ижтимоий қиёфасини ўзгартирган бўлса, кейинчалик бутун дунёда янгиликлар занжирини ҳосил қилди. Бу жараён бир-бири билан узвий боғлиқликдаги сиёсий, иқтисодий, интеллектуал трансформациялар маҳсули сифатида жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олди. Ҳар бир оила аъзоси(индивид)нинг шахсий ва касбий ҳаётида кечаётган гендер муносабатлар ҳам бундан мустаном эмас. Ўрганилган тадқиқотларда энг муҳим методологик тамойил шундан иборатки, оилани ўрганаётган шахс уни оддий оила аъзолари йиғиндиси сифатида эмас, балки барча оила аъзолари ўртасида мураккаб ва бетакрор муносабатлар тизими мавжудлиги, улар ҳар бир аъзонинг берадиган жавобларида акс этишини ҳам унутмаслик керак¹. Яъни, оила ва ундаги муносабатлар доимо инсонларнинг ташқи муҳит таъсирида бўлиши асосланган. Унга кичик ижтимоий гуруҳ сифатида қараш уларга хос бўлган деярли барча ижтимоий-психологик, маънавий-ҳуқуқий қонуниятларнинг борлиги ва ҳар бир оила аъзосининг мақомини белгилашини инobatга олишни тақозо этади. Мазкур муносабатларда макромуҳит (жамият) ва микромуҳит (оила) етакчилик қилиб, ҳатто этномаданият “ядроси”га айланган. Шунинг учун ҳам оилада, аҳоли турмуш тарзида мавжуд этноанъаналар барқарорлиги туфайли этномаданият ядроси ҳисобланади².

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи – Б. 7.
2. Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. – Тошкент: Мехнат, 1991. –Б 13
3. Тошмухамедова Д. Оила давлат ва жамият ҳимоясида // <https://xs.uz/uzkr/post/oila-zhamiyat-va-davlat-himoyasida>. Кўрилган сана: 13.08.2020. Тошмухамедова Д. Кўрсатилган асар
4. У..Гуд Социология семьи: Социология сегодня. – Москва, 1966. URL: Режим доступа: <https://yandex.ru/search/text>
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж.Ш.Н. Никоҳ.// Т.Мирзаев таҳрири остида. –Тошкент.:
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.38(688 б).; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Т. I. – М.: Рус тили, 1981. – Б. 502.

¹ В. М.Каримова Оила психологияси Педагогика олийгоҳлари талабалари учун дарслик. – Тошкент, 2007. 316 б

² Абдиқаримова С.С. Замонавий ўзбек оиласи этноанъаналарида трансформация жараёнлари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2020. – Б.18

7. Никоҳ тушунчаси бўйича батафсил қаранг: https://api.scienceweb.uz/storage/publication_files/763/; Ўзбекистон энциклопедияси. 12 томлик . Т. III. – Тошкент, 2002. – Б. 580.
8. Расулова З. Ўзбекларда оила ва никоҳ муносабатлари. Никоҳдан ўтиш қанчалик муҳим?// Bugun.uz/2021/05/16/15/
9. Тошева Т. С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари... – Б. 24.
10. Оила / Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 97.
11. Расулова З. А. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. – Тошкент, 2013. – Б. 47–48.